510


**_Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги_**

**_Ўзбекистон давлат консерваторияси_**


# *Курс иши*

**_Мавзу:_** Оилавий маросим айтимлари. Андижонлик йиғимчи момо ижодида.


**_Бажарди:_** Тошев Шерзод.

**Текширди:** У. Мамажонов


**_Тошкент - 2009_**

Халқимизнинг мустақилликка эришиши муносабати билан қадимий қадриятларимизни тиклаш бу тарихий меросимизни миллий урф одат ва анъаналаримизни маънавий ва бадиий меросимиздан баҳраманд бўлиш имконияти вужудга келди.

Айни вақтда кўп асрлар давомида яшаб келган авлод аждодлар, аждодларимиз маънавиятининг баркамол руҳияти бўлган миллий куй қўшиқларимиз ёш авлод қалбларидан ўрин оларкан, уларни бу ватанига, халқига садоқатли ва меҳр муруввватли бўлишга азалий қадриятларимизни ва ўзига хос бетакрор анъаналаримизни эъзозлашга, она юрт меросининг ворислари бўлишга, миллий истиқлолни теран ҳис қилишга даъват этади.

Менга шундай бир имконият берилганлидан фойдаланиб Ўзбек халқ мусиқа ижодининг, Оилавий маросим айтимлари хусусида маълумот беришга ҳаракат қиламан.

Хусусан гўзал водийнинг чекка қишлоқларидаги оилавий маросимлари ҳақида. Жумладан Андижон вилоятининг „Бўз қишлоғида" яшовчи „Айтимчи Момо" асл исми Таваккал момо экан.

Улар бўз қишлоғида туғилиб шу қишлоқда ном чиқарганлар. Ёшлигидан тўйлару базмларда, азаю маъракаларда қишлоқдошларга ёрдам қўлини чўзиб ўзининг беминнат ёрдамини аямаганлар.

Ҳозирда ёшлари 70 га бориб қолган бўлишига қарамай, қишлоқнинг биронта маросими айтимчи момосиз ўтмас экан.
Оилавий маросим айтимлари ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсам, инсоннинг ҳаётий йўли билан боғлиқ муҳим сана ва воқеалар ҳар бир халқда ўзига хос тарзда урф одат ва маросимлар билан нишонланиб турилиши анъанага айланган. Ана шундай анъаналар сирасини оилавий шароитда ўтказиладиган оилавий тадбирлар ташкил этади.
Оилавий маросимларининг ҳам турлари кўп бўлиб улар инсонга умри давомида йўлдош бўлиб келади.
Жумладан ўзбек халқида „Бешик тўйи", „Мучал тўйи", „Хатна (суннат) тўйи" „Никоҳ тўйи", „Мотам маросими" каби оилавий маросим турлари мавжуддир.
Ушбу маросимлар „Оилавий" деб аталсада, аммо одатда уларда қариндош уруғлар, қўни қўшнилар ва дўсту биродарлар қатнашишлари эвазига оммавий тус олади.
Таваккал момо менга ўз репертуарларидан „Келин салом", „Ёр-ёр", „Алла" айтимларини куйлаб бердилар.
Жумладан оилавий маросимларда мусиқа муҳим ўрин тутади. Бунда ҳам айтим ҳам чолғу мусиқаси (албатта сўнги мотам маросими бундан мустасно ҳолда) қўлланилиб уларнинг бадиий вазифалари ўзаро фарқли ҳисобланади.
Жумладан тўй маросимларида карнай, сурнай, ноғора ва доиралардан иборат чолғу ансамбли иштирок этиб у бир

вақтнинг ўзида ҳам бадиий тинглов, ҳам ахборот воситасини бажаради. Чунки бу ансамбль бир томондан узоқ масофага таралувчи кучли садоланиши билан аҳолига тўй бошланганлигидан дарак берса, иккинчи томондан ансамбль ижросидаги жозибали куй-наволар кў-таринки кайфият туғдиради, ҳамда рақс ўйинларига чорлайди. ва унга жўр бўлади. Айтим воситасида эса ўзгача бўлган, лекин муҳим вазифа амалга оширилади, шу боисдан асосий диққат эътиборни шу жиҳатга қаратамиз. Демак айтимлар воситасида ҳар бир маросимнинг мақсади юзага чиқа бошлайди. Зотан бундай айтимлар ўзида ҳам маросим „қаҳрамони" нинг умумлашма сиймосини ҳам омманинг шу маросим жараёнига муносабатини мужассам этади. Бошқача айтганда оммавий маросим айтимларида шахсий ва оммавий туйғулар муштарак бўлади. ва шу билан алоҳида аҳамиятга молик.

Масалан: „Ёр-ёр" қўшиғи ҳақида айтадиган бўлсак. „Ёр-ёр" қўшиғи келинни куёвникига узатиб бориш жараёнида аёллар томонидан ижро этилади. Уни айтиш вазияти эса қизнинг ота уйи яқин қариндош уруғлари, оила аъзолари билан хайрлашувидан бошланиб, то куёв хонадонига етгунга қадар давом этади.

Унинг мазмунида аёллар келинни овутган бўлиб:

Йиғлама қиз ёр-ёр
Тўй сеники ёр-ёр
Остонаси тиллодан ҳо
Уй сеники ёр-ёр.

дея панд насиҳат қилишади. Қизнинг отасига „тавна" сўзлари ҳам айтган бўлишади.

Ўз қизини танимай
Сотган отам ёр-ёр.

Аммо ёр-ёрларнинг фавқулотда табиийи эканлиги уларда бир вақтнинг ўзида икки турли ҳолат ҳам мунгли. Енгил ҳам байрамона модиёналик кайфиятлари мужассам этганлиги билан тавсифланади. Баъзи жойларда, масалан Фарғона анъанасида ёр-ёрларни куёв жўралари ҳам ижро этишлар экан.

Никоҳ тўйи маросимида анъанавий ижро этиб келинадиган қўшиқлардан яна бири „Келин саломлари".
Айрим маҳаллий анъаналарда жумладан Тошкент анъанасида „Келин салом" никоҳ тўйининг эртаси куни ўтказилиб, „саломлар" одатда куй оҳанглари сиз ўқилади. Лекин водий анъанасида, айниқса Андижон вилоятининг Бўз қишлоғида ўтказиладиган тўй маросимларидаги келин салом, келин куёвнинг уйига

келгандан сўнг олманинг олдида куй оханг-лар билан ижро этилар экан.
"Келин салом" ҳақида тўхталсам.
"Ушбу қўшиқни айтиш вазияти келиннинг куёв хонадонига қадам қўйиши билан юзага келиб бунда куёвнинг ота онасига қариндош уруғларига ва қўни қўшнила-рига келин номидан маълум куй ва оҳангларда салом айтиб турилади.
Келин саломларда ҳазил мутойибали гоҳо пайровли сўз ибораларга бой шеърий бандлар қўлланилиб ҳар бир банд „салом" айтиш билан якунланиб турилади.

Хашладиқ, хашладиқ
Қозонга пиёз ташладиқ
Эшит волинг одамлар
Келин саломни бошладиқ.
Қалбларини тенг қилган
Икки ёшни бир қилган
Эшит волинг акалар
Аввал Худога салом.

Оилавий маросимларнинг энг яхши ва ажралиб турувчи айтимларидан яна бири „Алла" дир.
Оилага янги туғилиб келган фарзандга бағишлаб одатда „бешик тўйи" маросими ўтказилади. Ҳамда шу вақтдан бошлаб чақалоқ ҳаётида муҳим бўлган икки уч йиллик бешик даври бошланади.

Хусусан она чақалоқни ухлатиш мақсадида бешикни тебратиб махсус қўшиқ куйлайди. „Бешик варияти" билан айтилувчи „бундай қўшиқ „Алла" ёки „Бешик қўшиғи" деб аталади. Оналар ижоди бўлган бу айтимларда болани овутишга қаратилган сўзлар, шунингдек, онанинг фарзанди ҳақидаги орзу ниятлари баён этилган тўртликлар бадиҳа этилади. Аллаларнинг кўпларида жамоавий маросим айтимларига хос мунгли туйғу ва қўшиқ оҳангларини кўрамиз.
Алланинг яна бир тури мавжуд бўлиб Бешик вариятидан ҳоли „саҳнавий" тарзда ижро этилади.
Бундай алла маросимга муофиқ кенг нафасли куй оҳанглари бўлмиш ҳолда жўрнавоз созларнинг қўлланиши билан ажралиб туради.

Алла айтай жоним болам
Қулоқ солгин алла
Ширин аллам тинглаб аста
Ором олгин алла.

Ёр - ёр

h-moll



# Келин салом

e-moll

